

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

*Мансурова Музаффарра Махсудовна
Сам ИСИ Ўқитувчиси*

Аннотация. В статье раскрыта актуальность образовательных услуг и их роль в развитии экономики современного Узбекистана, их положительное влияние на международную деятельность образовательных учреждений. Изучены объём и качество образовательных услуг, как один из наиболее весомых показателей организационного уровня и эффективности деятельности высших образовательных учреждений.

Annotation. The article reveals the relevance of educational services and their role in the development of the economy of modern Uzbekistan, their positive impact on the international activities of educational institutions. The volume and quality of educational services have been studied as one of the most significant indicators of the organizational level and efficiency of higher educational institutions.

Аннотация. Мақолада таълим хизматларининг долзарблиги ва уларнинг замонавий Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни, таълим муассасаларининг халқаро фаолиятига ижобий таъсири очиб берилган. Таълим хизматларининг ҳажми ва сифати, олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги ҳамда ташкилий даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида ўрганилган.

Ключевые слова. Образование, образовательные услуги, сфера образования, развитие сферы образования, человеческий капитал, инвестирование в человеческий капитал, инвестирование в будущее, квалифицированная рабочая сила, рынок труда, субъекты образовательных услуг, объекты образовательных услуг, цена труда, развитие личности, государственные образовательные учреждения, платные образовательные услуги.

Keywords. Education, educational services, education sector, development of the education sector, human capital, investing in human capital, investing in the future, qualified labor force, labor market, subjects of educational services, objects of educational services, price of labor, personal development, state educational institutions, paid educational services.

Калит сўзлар. Таълим, таълим хизматлари, таълим соҳаси, таълим соҳасини ривожлантириш, инсон капитали, инсон капиталига сармоя киритиш, келажакка сармоя киритиш, малакали ишчи куч, меҳнат бозори, таълим хизматлари субъектлари, таълим хизматлари объектлари, меҳнат қиймати, шахс ривожланиши, давлат таълим муассасалари, тўловли таълим хизматлари.

Бутун дунёда таълим тизими мамлакатнинг келажагини шакллантиришда ҳал қилувчи ўрин тутади, фуқароларга муваффақиятли касбий фаолият ва шахсий ривожланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш имкониятини яратади. Ўзбекистонда ҳам таълим муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу 2020 йил 19 май куни Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 2020 йил 7 август куни Сенат томонидан маъқулланган «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топган. Ушбу қонуннинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Аввало, "таълим" атамасига таъриф бериш зарур: "Таълим — бу ўқувчиларга чукур назарий билимлар, кўникмалар ва амалий маҳоратларни бериш, шунингдек, умумий ва касбий билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни шакллантириш, қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён" деб таъриф берилади юқорида қайд этилган қонуннинг 3-бобида.

Ўзбекистон таълим тизимининг айрим жиҳатларини батафсилроқ кўриб чиқамиз:

Таълим жараёнида муайян таълим босқичларига эришилади. Қонунчиликка кўра, таълим фаолияти қуйидаги икки турга бўлинади:

Биринчи тур - бу таълим стандартларига мувофиқ (умумтаълим дастурлари асосида) амалга ошириладиган фаолият;

Иккинчи тур - қўшимча таълим хизматлари бўлиб, уларнинг ҳажми ва мазмуни давлат стандартлари орқали тартибга солинади, бироқ хизмат кўрсатувчи томондан қўшимчалар киритилиши қўллаб-қувватланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қўйидаги субъектлардан иборат:

❖ Давлат ва нодавлат таълим муассасалари, давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширадиган;

❖ Илмий-педагогик муассасалар, таълим тизимининг фаолияти ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини олиб борувчи;

❖ Таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ягона ва узлуксиз эканлигини инобатга олган ҳолда, таълим қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Мактабгача таълим;
2. Умумий ўрта таълим;
3. Ўрта маҳсус ва касбий таълим;
4. Олий таълим;
5. Олий таълимдан кейинги таълим;

6. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
7. Мактабдан ташқари таълим.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, хусусий ва давлат таълим муассасалари хоҳловчиларга тўловли қўшимча таълим хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бундай хизматларга қўшимча таълим дастурлари бўйича ўқитиши, маҳсус курслар ва фанлар циклини ўқитиши, ўқувчилар билан фанларни чуқур ўрганиши бўйича машғулотлар ҳамда таълим соҳасидаги бошқа хизматлар киради.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон ҳукумати таълимни модернизация қилиш, инновацион ёндашувларни жорий этиши ва ахолининг таълим хизматларига бўлган имкониятини ошириши бўйича фаол иш олиб бормоқда. Бу борада аҳоли таълими сифатини яхшилаш ва ривожлантиришига қаратилган янги меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, 2023 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ–158-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, мактаб ўқувчиларининг билим ва қўникмаларини шакллантириши, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касбининг нуфузи ва педагоглар сифати таркибини ошириши, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириши, ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган замонавий мактабларни қуриш каби вазифалар белгиланган.

Таълим фаолияти таълим хизматлари билан бир хил ҳисобланади ва бу соҳада мазмuni турлича, лекин маъно жиҳатидан ўхшаш кўплаб таърифлар келтирилади. Масалан, А.Скалкин ўз мақоласида таълим хизматларига қуйидаги таърифни беради:

«Таълим хизматлари – бу таълим фаолиятининг бир элементи бўлиб, у маҳсус мақсадларга ва субъектлар тузилишига эга. Таълим хизматларининг мақсадлари – билимларни, қўникмаларни ўтказиши, касбий маҳоратларни шакллантириши ва уларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишидир. Таълим хизматлари субъектлари – педагогик жамоа ва муайян даражада таълим олишни истаган ўқувчилар ҳисобланади».

Ёна бир муҳим таърифни В.Н. Зотов ўз ишида келтиради:

«Таълим хизмати — бу муайян дастур асосида фуқарога жамоат ва маҳсус характердаги билимлар ҳамда амалий қўникмалар тўплами шаклида етказиладиган ўқув ва илмий маълумотлар ҳажми».

Барча келтирилган таърифларга розилик билдирган ҳолда, таълим хизмати — бу муайян билим олишни истаган шахс билан мазкур билимни тўловли ёки бепул шаклда тақдим этувчи ўртасидаги муносабат эканлиги хулоса қилинади. Таълим хизматлари тўғридан-тўғри инсон капитали шаклланишига таъсир кўрсатади, чунки хизматлар кўрсатиш жараёни руҳий қадриятлар яратилиши, ўқувчининг шахс

сифатида ўзгариши ва ривожланиши билан бирга кечади, бу эса ўз навбатида мамлакатда камбағаллик даражасини камайтиришга ёрдам беради.

Таълим хизматларининг ўзгача хусусиятлари бор бўлиб, улар ҳам анъанавий белгиларда, ҳам фақат таълим хизматларига хос хоссаларда намоён бўлади. Таълим хизматларининг бир хусусияти шундаки, улар «жамоат мулки» тоифасига киради. Бошқа хусусият эса уларни тўғридан-тўғри пул билан ўлчашнинг имконияти йўқлигидир. Нарҳ механизми кўпинча таълим хизматларини яратишдаги барча харажатларни акс эттира олмайди. Бу натижаларнинг моддий шакли ва жисмоний ифодасининг йўқлиги, уларнинг ушбу фаолият давомида истеъмол қилиниши ҳамда уларнинг ўзида фойдали таъсирни ўз ичига олганлиги билан изоҳланади. Агар моддий соҳада маҳсулотни дона ёки килограмм билан микдорий ўлчаш осон бўлса, таълим хизматлари учун бу қийин амалга оширилади, яъни хизматлар номоддий неъматларни яратади. Ушбу неъматларга мулкчилик ҳуқуқи татбиқ қилинмайди: таълим хизматларини қўрсатиш натижаси белгиланган даражадаги таълим олишдир ва бу ерда хизматлар тўловли эканлиги назарда тутилади. Хизматлар белгиланган тўлов асосида тақдим этилади. Шунга қарамасдан, давлат таълим муассасаларида асосий таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари доирасида таълим жараёни бепул амалга оширилади ва бу жараёнларни амалга ошириш учун таълим хизматлари қўрсатиш бўйича шартнома тузилмайди.

Бундан ташқари, таълим хизматларининг яна бир ўзгача хусусияти — бу хизматларни тақдим этаётган ташкилотларга қўйиладиган мақсадларнинг кўп маънолилиги. Одатда, таълим муассасалари фаолияти тўғридан-тўғри даромад олишга қаратилмаган, яъни уларнинг кўпгина манфаатлари фаровонликни ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу эса «кингайтирилган қайта ишлаб чиқаришни таъминлаш учун керакли даромад олиш»ни назарда тутади.

Иқтисодий назариянинг баъзи назарий жиҳатларидан келиб чиқиб, таълим хизматларини тоза хусусий неъматлар қаторига киритиш мумкин. Шу билан бирга, таълим хизматларининг сезиларли ижобий ташқи таъсири уларни ижтимоий аҳамиятга эга хусусий неъматлар сирасига ҳам киритиш имконини беради.

Ижтимоий-иктисодий неъматлар турларидан бири бўлган таълим хизматлари профильдан ташқари таълим муассасаларида қўшимча характерга эга бўлиб, давлат таълим стандартидан ва бундай фаолиятни яратиш ҳамда истеъмол қилиш учун зарур бўлган харажатлардан ошиб кетади, шунинг учун адекват компенсация талаб қиласида. Аммо шунга қарамай, малакали ўқитувчиларни жалб қилиш, аудитория фондини кенгайтириш, қўшимча молиялаштириш каби чоралар орқали таълим хизматлари ҳажмини ошириш мумкин.

Таълим хизматлари қўрсатилиши жараёнида олинган билимлар, кўникмалар, малака ва мутахассисликлар, ўз навбатида, истеъмолчи учун мотивация вазифасини ўтайди, чунки у таълим хизматлари бозорига кирганда ўз учун энг мос иш бозори

нишига эга бўлиш имкониятини излайди. Шу билан бирга, таълим муассасалари ўртасидаги рақобат шароитида у турли омилларга таяниб танлов қилиш имконига эга бўлади. Мазмунан таълим хизматлари истеъмолчига ўргатилган билимлар, кўникмалар ва малака ҳамда охирги натижада олинадиган мутахассислик билан тавсифланади.

Таълим хизматларини танлашда истеъмолчининг мотивациясига таъсир этувчи омиллар қаторида таълим ташкилотининг асосий ва қўшимча афзалликлари ҳам киритилади. Истеъмолчи учун ўқиши муддати, таълим тури ва шакли, таълим муассасасининг ўқитувчилар малакаси даражаси, таълим ташкилотининг моддий базаси — машғулотлар учун аудиториялар ва уларнинг замонавий ўқитиш воситалари билан жиҳозланганлиги катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, таълим хизматлари истеъмолчиларини жалб қилиш учун қўшимча малака ошириш курслари ёки қайта тайёрлаш, дипломлар, сертификатлар, бепул маслаҳатлар ва муайян имтиёзлар каби афзалликлардан фойдаланилади. Шу тариқа, иқтисодий нуқтаи назардан истеъмолчиларни жалб қилиш учун «кенгайтирилган маҳсулот» ва «потенциал товар» тушунчалари қўлланилади. Истеъмолчининг билим, қўникма ва малака олиш истаги, уларни меҳнат бозорида устунликка эга бўлишга ёрдам берадиган жиҳатлар ҳам таълим хизматларининг яна бир муҳим хусусиятини белгилайди. Бу эса таълим хизмати тақдим этувчи ва уни қабул қилувчи ўртасидаги ўзаро фаолликдир. Бу хусусият таълим хизматларини бошқалардан ажратиб туради, чунки қўпинча мижоз пассив тараф бўлиб қолади.

Шу билан бирга, бундай тўловли таълим фаолияти тадбиркорлик сифатида кўрилмаган. Таълим қонунчилиги тадқиқотчилари норматив-ҳукуқий ҳужжатларга «таълим хизматлари» тушунчасини киритишнинг ижобий ва салбий томонларини ажратадилар. Ижобий томонлар сифатида қўйидаги жиҳатлар алоҳида таъкидланади:

1. бу тушунчанинг киритилиши тўловли таълим шаклларини қонуний қилди;
2. «таълим хизматлари» тушунчасини таълим қонунчилигига қўллаш таълим соҳасидаги ижтимоий муносабатларни фуқаролик-қонунчилик шаклларида тартибга солиш имконини беради;
3. бу тушунчанинг киритилиши таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожланишига ёрдам берди;
4. тўловли таълим хизматлари давлат таълим муассасалари учун қўшимча давлатдан ташқари молиялаштириш манбаларини топиш имконини берди;
5. баъзи олий ўқув юртларига молиявий мустақиллик бериш ва Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирликлар қаторида муайян ваколатларни бериш, хусусан, хорижий фуқароларнинг чет элдаги олий ўқув юртларидан Ўзбекистон давлат олий

ўқув юртларига ўқиши кўчириш ҳамда талабаларнинг ички тартиб-қоидаларини белгилаш.

Шунингдек, мамлакатда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга қўйидагилар киради:

- ўқув дастурларини модернизация қилиш — замонавий ўқитиш усулларини жорий этиш ва ўқув материалларини бозор талаблари ҳамда илмий ютуқларга мослаштириш;
- таълимда рақамли технологияларни ривожлантириш — таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш орқали самарадорлик ва киришимликни ошириш;
- педагог кадрларнинг малакасини ошириш — педагогларни замонавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш ва таълим жараёнини ташкил этиш учун ўқитиш ва қайта тайёрлаш.

Шунингдек, Ўзбекистонда таълимга барча қатламлар учун киришимликни яхшилаш мақсадида фаол чоралар кўрилмоқда:

- таълим инфратузилмасини ривожлантириш: мактаблар, коллежлар ва университетларни қуриш ва модернизация қилиш орқали қулай ўқиши шароитларини таъминлаш;
- молиявий қўллаб-қувватлаш: талабаларни рағбатлантириш ва таълим олишдаги молиявий тўсиқларни камайтириш учун давлат грантлари ва стипендиялар бериш;
- масофавий таълимни ривожлантириш: олис ва кам аҳоли бўлган ҳудудларда таълимга киришимни кенгайтириш мақсадида онлайн курслар ва масофавий таълим дастурларини жорий этиш.

Холоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда таълим хизматлари мамлакатнинг тараққиётида муҳим рол ўйнайди, фуқароларга сифатли таълимни таъминлади ва иқтисодий салоҳиятни оширишга кўмаклашади. Таълим тизимидағи ислоҳотлар ва таълимга киришимликни яхшилаш чоралари келажакда Янги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, 2020 йил 19 майда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2020 йил 7 августда Сенат томонидан маъқулланган.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги 158-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақилликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 60-сонли қарори.

4. Зотов В.Н. «Разработка стратегии и тактики маркетинговой деятельности вузов на рынке образовательных услуг и научно-технической продукции» Автореф. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: РЭА им. Г.В. Плеханова, 1997. С. 21.

5. [http://uzbekistan-geneva.ch/sistema-obrazovaniya-respublikи-uzbekistan .html](http://uzbekistan-geneva.ch/sistema-obrazovaniya-respublikи-uzbekistan.html)